

Навоий вилояти Навоий шаҳар
Давлат хизматлари маркази
томонидан
2024 йил “20” 062907 даги
2552224 сон билан



“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

“НКМК” АЖ Акциядорларининг
2024 йил “28” июндаги 3-сонли
йиллик Умумий йиғилишига
6-сонли ИЛОВА



“Навоий кон-металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
2024 йил “28” июндаги 3-сонли
йиллик Умумий йиғилиши билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**«NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI»
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИРИ)

Навоий шаҳри – 2024 йил

МУНДАРИЖА

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2.	ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ	3
3.	ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ	3
4.	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ)	4
5.	ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	6
6.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ)	7
7.	ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ТУРЛАРИ	7
8.	ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ	7
9.	ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ) НИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ	7
10.	ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ	8
11.	ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ	8
12.	ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	9
13.	АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ	9
14.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ	11
15.	БОШҚАРУВ	15
16.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	19
17.	МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ	19
18.	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА ТАШҚИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ	20
19.	КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИ	21
20.	КОРПОРАТИВ КОТИБИЯТ	21
21.	БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА БОШҚА ҲИСОБОТЛАР	22
22.	ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АХБОРОТ ВА МУҲИМ ФАКТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИ	23
23.	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	23

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – “Жамият”) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4124-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4629-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 170-сон Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (кейинги ўринларда – “Қонунчилик”) ҳамда мазкур Устав (кейинги ўринларда – “Устав”) асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.
- 1.2. Жамиятнинг ҳуқуқий мақоми, унинг акциядорлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонуни ва Устав билан белгиланади.

2. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

- 2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:
- (1) давлат тилида (лотин алифбосида): **“Navoiy kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati;**
 - (2) давлат тилида (кирилл алифбосида): **“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти;**
 - (3) рус тилида: **акционерное общество «Навоийский горно-металлургический комбинат»;**
 - (4) инглиз тилида: **“Navoi Mining and Metallurgical Company” Joint-Stock Company.**
- 2.2. Жамиятнинг қискартирилган фирма номи:
- (1) давлат тилида (лотин алифбосида): **“НКМК” АЖ;**
 - (2) давлат тилида (кирилл алифбосида): **“НКМК” АЖ;**
 - (3) рус тилида: **АО «НГМК»;**
 - (4) инглиз тилида: **“NMMC” JSC.**
- 2.3. Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): 210100, Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй
- 2.4. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@ngmk.uz
- 2.5. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.ngmk.uz.

3. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

- 3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан устав фонди (капитали) га берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

- 3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.
- 3.3. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.
- 3.4. Жамият Қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақларини очишга ҳақлидир.
- 3.5. Жамият фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақлидир. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирма номи бошқа исталган тилда кўрсатилиши мумкин.
- 3.6. Жамият фирма номи ёзилган штамп ва бланкларга, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақлидир.
- 3.7. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.
- 3.8. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- 3.9. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли бўлган акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
- 3.10. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 3.11. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 3.12. Жамият Қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очишга ҳақлидир.
- 3.13. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклдаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш ва (ёки) уларга эга бўлиши мумкин.
- 3.14. Жамият Қонунчиликда белгиланган тартибда корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда иштирок этишга ҳақлидир.

4. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ)

- 4.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади Жамият акциядорлари манфаатларида Уставда кўрсатиб ўтилган фаолият турларини амалга ошириш орқали фойда (даромад) олишдан иборат.
- 4.2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) куйидагилар ҳисобланади:
 - (1) кимматбаҳо металлларни, кимматбаҳо тошларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш;
 - (2) таркибида кимматбаҳо ва ноёб металллар мавжуд бўлган саноат маҳсулотларини қайта ишлаш;
 - (3) аффинаж қилинган олтинни сотиш;
 - (4) портловчи ва заҳарли моддаларни, улар қўлланиладиган материаллар ва буюмларни, шунингдек портлатиш воситаларини ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш ва реализация қилиш;

- (5) портлатиш ишларини бажариш;
 - (6) геология-қидирув ишларини бажариш;
 - (7) геодезия фаолияти;
 - (8) хавфи юкори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, куриш ва ишлатиш;
 - (9) капитал курилиш;
 - (10) телерадио эшиттиришлар трансляцияси тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш ва ишлатиш;
 - (11) телекоммуникацияларнинг маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
 - (12) кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
 - (13) шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
 - (14) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
 - (15) ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини лойиҳалаштириш, куриш ва ишлатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш;
 - (16) ёнғинга қарши автоматлар, қўриқлаш, ёнғин ва қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
 - (17) ички қатновда йўловчилар ва юкларни темир йўлда ташиш;
 - (18) автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро ташиш;
 - (19) ишлаб чиқариш мақсадлари учун прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), ташиш, сақлаш ва фойдаланиш;
 - (20) ускунаСОЗЛИК;
 - (21) курилиш материалларини ишлаб чиқариш;
 - (22) Жамият маблағлари, шунингдек, шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга ошириш.
- 4.3. Махсус лицензия ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат олишни талаб қиладиган фаолият турлари Қонунчиликда ўрнатилган тартибда бундай лицензия ва (ёки) рухсатнома олингандан кейин амалга оширилади.
- 4.4. Жамият шунингдек, фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга оширишга ҳақлидир:
- (1) улгуржи савдо ва савдо-воситачилик фаолияти;
 - (2) табиий ва суюлтирилган углеводород газини реализация қилиш;
 - (3) божхона омборини таъсис этиш;
 - (4) ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ижарага бериш;
 - (5) ўз эҳтиёжлари ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
 - (6) люминесцент лампаларни демеркуризациялаш;
 - (7) темир йўл транспортида юк карвонсаройларини ташкил этиш.

- 4.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолиятнинг бошқа ҳар қандай турларини амалга оширишга ҳақлидир.

5. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Жамият акциядорларининг шу жумладан, имтиёзли акциялар эгаларининг (агар Жамият шундай акцияларни чиқарган бўлса) ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонунчилик ва Устав билан белгиланади.
- 5.2. Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- (1) Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - (2) депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - (3) Жамият соф фойдасининг бир қисмини дивидендлар кўринишида олиш;
 - (4) Жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - (5) Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - (6) Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - (7) олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
 - (8) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - (9) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - (10) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - (11) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- 5.3. Жамият акциядори қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.
- 5.4. Жамият акциядори қуйидагиларни:
- (1) Жамият акцияларининг ҳақини қонунчиликда, Уставда, акциялар чиқариш (эмиссия) тўғрисидаги қарорларда белгиланган муддатларда, усулларда ва тартибда тўлаш;
 - (2) Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини бўлган ва қонунчилик билан ҳимоя қилинадиган бошқа махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
 - (3) Қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.
- 5.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қимматли қоғозларни киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва Қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
- 5.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ)

- 6.1. Жамиятнинг Устав фонди (капитали) акциядорлар олган (жойлаштирилган акциялар) Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.
- 6.2. Устав фонди (капитали) миқдори **14 999 832 119 (ўн тўрт миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион саккиз юз ўттиз икки минг бир юз ўн тўққиз)** дона оддий акцияларга бўлинган **14 999 832 119 000 (ўн тўрт триллион тўққиз юз тўқсон тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз икки миллион бир юз ўн тўққиз минг)** сўмни ташкил этади.
- 6.3. Жамиятнинг устав фонди (капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ТУРЛАРИ

- 7.1. Жамият томонидан **14 999 832 119 (ўн тўрт миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион саккиз юз ўттиз икки минг бир юз ўн тўққиз)** дона оддий акциялар жойлаштирилган.
- 7.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси номинал қиймати **1.000 (бир минг)** сўмни ташкил қилади.
- 7.3. Жамият Қонунчиликда белгиланган тартибда ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан очик обуна ўтказишга ёки хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақлидир.
- 7.4. Жамият оддий акциялар билан бир қаторда имтиёзли акцияларни ҳам жойлаштириши мумкин. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав фонди (капитали) нинг 25% (йигирма беш фоизи) дан ошмаслиги керак.
- 7.5. Жамият жойлаштирилган акцияларни Қонунчилик ва Устав билан белгиланган тартибда йириклаштириш ёки майдалашга ҳақли бўлиб, бунда Уставга жойлаштирилган акцияларнинг номинал қиймати ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилиши шарт.

8. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

- 8.1. Жамият корпоратив облигациялар шу жумладан, Жамиятнинг акцияларига айирбошланадиган корпоратив облигациялари ҳамда бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришга ҳақлидир.
- 8.2. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларига айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Қонунчилик ва Устав билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ)НИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Жамиятнинг устав фонди (капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Кўшимча акциялар фақат Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.
- 9.2. Жамият устав фондиди ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **1.000.000.000.000 (бир триллион)** сўм миқдоридаги **1.000.000.000 (бир миллиард)** дона оддий акциялардан иборат.

- 9.3. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш тўғрисидаги ва Уставга Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 9.4. Жамиятнинг устав фонди (капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 9.5. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш тўғрисидаги ва Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 9.6. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш, шунингдек, кредиторларни бу тўғрисида хабардор қилиш Қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

- 10.1. Жамият устав фонди (капитали)нинг 15% (ўн беш фоиз) дан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг 5% (беш фоиз)дан кам бўлмаган миқдордаги йиллик мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.
- 10.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.
- 10.3. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.
- 10.4. Жамиятнинг захира фонди тўлиқ ёки қисман фойдаланилган ҳолларда мажбурий ажратмалар қайта тикланади.
- 10.5. Жамият Қонунчилик билан белгиланган тартибда бошқа фондларни тузишга ҳақли.

11. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

- 11.1. Қонунчиликка мувофиқ бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилганидан кейин Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида дивидендлар кўринишида акциядорлар ўртасида тақсимланади.
- 11.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, ҳамда Қонунчиликда назарда тутилган бошқа тартибда, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 11.3. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 11.4. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар акциялар номинал қийматининг 25% (йигирма беш фоиз) миқдорда тўланади.

- 11.5. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори (тугатилиш қиймати) имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100% (юз фоиз) ни ташкил этади.

12. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

- 12.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардир:

- (1) Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- (2) Кузатув кенгаши;
- (3) Бошқарув.

13. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

- 13.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.
- 13.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши)ни ўтказиши шарт.
- 13.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади.
- 13.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари ҳисобланади.
- 13.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши санаси ва ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга тақдим қилинадиган материаллар (ахборотлар)нинг рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
- 13.6. Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатлари қуйидагилар киради:
- (1) Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Кузатув кенгаши ваколатига берлиган ҳолатлар, бундан мустасно;
 - (2) Жамиятни қайта ташкил этиш;
 - (3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - (4) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - (5) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини (оммавий жойлаштирилган тақдирда) тасдиқлаш;
 - (6) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;
 - (7) Жамиятнинг устав фонди (капитали) ни камайтириш;
 - (8) Жамият томонидан ўз акцияларини олиш билан боғлиқ қарор қабул қилиш;
 - (9) Жамият акцияларни йириклаштириш ва майдалаш;
 - (10) Жамият ташкилий тузилмасини, унга киритиладиган ўзгартиришларни Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш;
 - (11) Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - (12) Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялари миқдорларини белгилаш;

- (13) Бошқарув раиси – Бош директорни тайинлаш, унинг ваколат муддатларини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш;
 - (14) Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарувнинг қолган аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш масаларини Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш;
 - (15) Жамият ижроия органининг ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш, ишончли бошқарувчига тўланадиган компенсациялар миқдорларини белгилаш, ишончли бошқарувчи билан шартнома тузиш ва бекор қилиш;
 - (16) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
 - (17) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш, шунингдек дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
 - (18) Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир Қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
 - (19) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
 - (20) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 50% (эллик фоизи) дан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш, ҳамда йирик битим тузиш масаласи бўйича Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда тегишли қарор қабул қилиш;
 - (21) Жамият томонидан қарор қабул қилиш санасида Жамият соф активлари миқдорининг 50% (эллик фоизи) дан ортиғини ташкил этувчи молиялаштиришни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган битимлар (шартномалар) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (22) Қонунчиликда белгиланган тартиб ва ҳолатларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (23) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (24) “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Бошқарув тўғрисида”, “Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида”ги низомларни тасдиқлаш;
 - (25) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - (26) Қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 13.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалалар Кузатув кенгаши томонидан ҳал этилиши учун берилиши мумкин эмас.

- 13.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масала бўйича қарор йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялар эгаларининг – акциядорларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилик) томонидан қабул қилинади.
- 13.9. Уставнинг 13.6-бандининг (1), (2), (3), (4), (18), (20), (21) ва (22) кичик бандларида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг $\frac{3}{4}$ (тўртдан уч қисми) дан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.
- 13.10. Агарда Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонунчилик ва Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим, Жамиятнинг имтиёзли акциялари Қонунчиликка мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно.
- 13.11. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кирувчи масалалар акциядор томонидан мустақил равишда қарор қабул қилиш орқали амалга оширилади.
- 13.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилгандан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмасдан икки нусхада расмийлаштирилади. Ҳар иккала нусхаси ҳам Акциядорларнинг умумий йиғилишда раислик қилувчи ва йиғилиш котиби (ягона акциядорнинг ваколатли вакили) томонидан имзоланади.
- 13.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби Қонунчилик, Устав ва “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида” ги низом билан белгиланади.

14. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 14.1. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонунчилик ва Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.
- 14.2. Кузатув кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат бўлиб, уларнинг камида 2 (икки) нафари мустақил аъзолар бўлиши шарт.
- 14.3. Кузатув кенгаши аъзолари Қонунчилик, Устав ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида”ги низомларда кўрсатилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.
- 14.4. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.
- 14.5. Кузатув кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек, Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахслар, шу жумладан, мустақил аъзоларга нисбатан қўйиладиган талаблар “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида” низомларда белгиланиши мумкин.
- 14.6. Кузатув кенгашининг раиси ва унинг ўринбосари Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Бунда, Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.
- 14.7. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларининг кун тартибини тасдиқлайди, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

- 14.8. Кузатов кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини Кузатов кенгаши раиси ўринбосари ёки Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.
- 14.9. Кузатов кенгашининг мажлислари Кузатов кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатов кенгаши аъзоси, Ички аудит хизмати, Корпоратив котибият, комплаенс хизмати ёки Бошқарув талабига кўра чақирилиши мумкин. Бунда мажлисни чақириш талаб қилаётган шахс Кузатов кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун киритилаётган масалалар рўйхати ва уларга доир бўлган материаллар (ахборотлар)ни илова қилган ҳолда Корпоратив котибиятга тақдим этиши лозим. Корпоратив котибият тақдим этилган маълумотлар асосида:
- (1) мажлис кун тартибига киритилаётган масалалар Кузатов кенгашининг ваколат доирасига таалуклилиги ёки таалукли эмаслиги нуқтаи назаридан текширади;
 - (2) мажлис кун тартибига киритилаётган масалаларга оид материаллар (ахборотлар) тўлиқ тақдим қилинганлигини ўрганиб чиқади ва келишиб беради (виза) ҳамда, зарурият бўлганда, ўз хулосасини беради.
- 14.10. Кузатов кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатов кенгашига сайланган аъзоларнинг 75% (етмиш беш фоизи) дан кам бўлмаслиги лозим.
- 14.11. Кузатов кенгаши раисининг қарорига биноан, Кузатов кенгашининг мажлиси аъзоларнинг бевосита иштироки орқали (шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш орқали) ёки сиртдан (сўров йўли билан) ўтказилиши мумкин. Кузатов кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатов кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, Кузатов кенгашининг мажлис баённомалари электрон шаклда расмийлаштирилиши мумкин.
- 14.12. Кузатов кенгаши мажлисини тегишли материаллар (ахборотлар) илова қилинган ҳолда чақириш тўғрисидаги талаб Кузатов кенгаши раисига Кузатов кенгаши мажлисининг таклиф этилаётган кун тартибини ўз ичига олган тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали тақдим этилади. Кузатов кенгаши раиси Кузатов кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб келиб тушган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мобайнида чақириш ёки чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.
- 14.13. Кузатов кенгашининг мажлиси Кузатов кенгаши раиси томонидан чақирув тўғрисида сўров олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай чақирилиши керак. Бундай мажлисга белгиланган талабни тақдим этган шахс таклиф этилиши лозим.
- 14.14. Кузатов кенгашининг раиси, қуйидаги ҳолатлардан ташқари, Кузатов кенгашининг мажлисини чақиришни рад этишга ҳақли эмас:
- (1) мажлис чақириш тўғрисидаги талаб Қонунчилик ва (ёки) Уставга зид бўлса;
 - (2) Кузатов кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилаётган шахсда бундай талаб этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаса;
 - (3) агар Кузатов кенгаши кўриб чиқиш учун таклиф қилинган барча масалаларни ҳал қилиш Кузатов кенгашининг мутлақ ваколатига кирмаса.
- 14.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Кузатов кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатов кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин. Бунда Кузатов кенгаши аъзолари томонидан Жамият фаолияти юзасидан амалга оширилган хизмат сафари харажатлари мустасно ва бундай хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар Бошқарув қарорига мувофиқ Қонунчиликда белгиланган меъёрларда қопланиши мумкин.

14.16. Кузатув кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

- (1) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисида Бошқарувнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- (2) Қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- (3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- (4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- (5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- (6) Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиладиган масалаларни олдиндан кўриб чиқиб маъқуллаш;
- (7) Бошқарув фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- (8) Жамият мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- (9) Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботларни дастлабки тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;
- (10) Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режасини Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;
- (11) инвестиция дастури ва лойиҳаларини тасдиқлаш;
- (12) Кузатув кенгашининг кўмиталари ёки бошқа ишчи гуруҳ/органларни ташкил этиш, мазкур кўмита ва ишчи гуруҳ/органлари фаолияти ва ишлаш тартиби, уларнинг таркиби, вазифа ва ваколатлар доирасини белгилаш тўғрисида низомларини тасдиқлаш;
- (13) Кузатув кенгаши кўмиталари томонидан киритилган масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- (14) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Бошқарув Раиси – Бош директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда Бошқарув Раиси – Бош директор лавозимига янги шахс тайинлангунга қадар унинг вазифасини вақтинчалик бажарувчи шахсни тайинлаш;
- (15) Бошқарув раиси – Бош директордан ташқари, Бошқарув аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколат муддатларини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш;
- (16) Жамиятнинг муҳим раҳбарлик лавозимлари (муҳим раҳбарлар) рўйхатини тасдиқлаш;
- (17) Кузатув кенгаши аъзоларидан бири ва (ёки) Бошқарув Раиси – Бош директорнинг таклифига асосан Жамиятнинг муҳим раҳбарлик лавозимларига номзодлар тайинлашни келишиш;
- (18) Корпоратив котибиятни тузиш, ходимларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиш, уларга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини кўриш, шунингдек, ҳар чоракда Корпоратив котибият ҳисоботларини эшитиш;
- (19) “Корпоратив котибият тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш;

- (20) Аудит кўмитасининг тақдимномасига асосан Ички аудит хизматини тузиш ва низомини тасдиқлаш, унинг ходимларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиш;
- (21) Комплаенс хизматини тузиш ва низомини тасдиқлаш, ҳамда Комплаенс хизмати бошлиғини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиш;
- (22) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш ёки шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (23) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- (24) Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- (25) Жамият филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- (26) шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- (27) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки (юримдик шахслар устав капиталидаги улушлари ва (ёки) акциялари) билан боғлиқ битимларни Қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
- (28) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 15% (ўн беш фоизи) дан 50% (эллик фоизи) гача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш юзасидан қарор қабул қилиш;
- (29) Жамият томонидан қарорни қабул қилиш санасида Жамият барча соф активлари миқдорининг 5% (беш фоизи) дан 50 % (эллик фоиз) гача ташкил этувчи молиялаштиришни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган битимлар (шартномалар) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (30) Қонунчиликда белгиланган тартиб ва ҳолатларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (31) Жамият томонидан ҳайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш ҳамда Бошқарув қарори асосида тақдим этилиши мумкин бўлган ҳайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш умумий лимитини белгилаш юзасидан Қонунчиликда кўзда тутилган шартларни инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш;
- (32) Бошқарувга тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини, Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, шунингдек уларга киритиладиган ўзгартиришларни маъқуллаш ҳамда тасдиқлаш учун Акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;
- (33) Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш;
- (34) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- (35) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (36) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (37) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- (38) Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;
- (39) Қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 14.17. Уставнинг 14.16-бандининг (28) ва (30) кичик бандларида кўрсатилган масалалар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисининг бошқа масалалар юзасидан қарорлар мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Кузатув кенгаши қарори Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртдан (сўровнома шаклида) бир овоздан қабул қилиниши мумкин.
- 14.18. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қирадиган масалалар Бошқарув томонидан ҳал этилиши учун берилиши мумкин эмас.
- 14.19. Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.
- 14.20. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгаши бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.
- 14.21. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.
- 14.22. Кузатув кенгашининг ишлаш тартиби Қонунчилик, Устав ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом билан белгиланади.
- 14.23. Кузатув кенгашига киритиладиган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш ва фаолиятини тартибга солувчи низомларда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш учун Кузатув кенгаши ҳузурида кўмиталар ва/ёки ишчи гуруҳлар ташкил этилади.
- 14.24. Кузатув кенгаши кўмиталари Уставнинг 14.25-бандида қайд этилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда Кузатув кенгаши аъзоларидан ташкил этади.
- 14.25. Кузатув кенгаши кўмиталарига кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқисиз аниқ бир кўмилада ишлаш учун зарур бўлган касбий малака, билим, тажриба ва кўникмаларга эга бўлган экспертлар ва мутахассисларни жалб этилиши мумкин.
- 14.26. Кузатув кенгаши кўмиталарини шакллантириш тартиби, фаолияти, вазифалари ва ваколатлари, шунингдек, уларнинг Бошқарув ва Жамиятнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

15. БОШҚАРУВ

- 15.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.
- 15.2. Бошқарув 6 (олти) нафар аъзолардан иборат.
- 15.3. Бошқарув раиси – Бош директор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ва Бошқарувнинг қолган аъзолари эса Кузатув кенгаши томонидан 3 (уч) йил муддатга тайинланадилар.
- 15.4. Бошқарув раиси – Бош директор ваколатлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, Бошқарувнинг қолган аъзоларининг ваколатлари эса Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ узайтирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

- 15.5. Бошқарув раиси – Бош директор қуйидаги масалалар юзасидан Кузатув кенгаши билан келишмаган ҳолда ўз буйруғи асосида қарор қабул қилиши мумкин:
- (1) Бошқарув аъзоси ва (ёки) муҳим раҳбарга меҳнат таътилини бериш ҳамда хизмат сафарига юбориш;
 - (2) Бошқарув аъзоси ва (ёки) муҳим раҳбар маълум сабабларга кўра вақтинчалик ишда бўлмаган даврда (меҳнат таътили, хизмат сафари, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик) ушбу лавозимлар бўйича вазифаларни вақтинчалик бажаришни Жамиятнинг бошқа ходимларига юклатиш.
- 15.6. Бошқарувга Бошқарув раиси – Бош директор раҳбарлик қилади. Бошқарув раиси – Бош директор Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилади.
- 15.7. Бошқарув раиси – Бош директор сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ушбу лавозимга тайинланиши мумкин эмас.
- 15.8. Бошқарув раиси – Бош директор ваколатлари муддатидан олдин тугатилганда Бошқарув раиси – Бош директор тайинланадиган навбатдаги Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар бўлган даврда унинг вазифалари Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс томонидан вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.
- 15.9. Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарувнинг қолган аъзолари билан 3 (уч) йил муддатга меҳнат шартномалари тузилиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Бошқарув раиси – Бош директор билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари Жамият номидан Бошқарув раиси – Бош директор томонидан имзоланади.
- 15.10. Бошқарув раиси – Бош директор ваколатларига Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Уставнинг 15.14-банди билан Бошқарув ваколатларига киритилган масалалардан ташқари Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар қиради. Хусусан, **Бошқарув раиси – Бош директор ваколатларига қуйидагилар қиради:**
- (1) Уставнинг 15.14-бандига мувофиқ Бошқарув билан келишган ҳолда Жамиятнинг манфаатларини ифода этиш ва битимлар тузиш;
 - (2) Жамият томонидан Қонунчилик ва (ёки) Устав билан Жамиятнинг бошқа бошқарув органларининг ваколатига киритилмаган шартномалар/ битимларни тузиш;
 - (3) Қонунчилик ва Уставда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш;
 - (4) Жамиятнинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (Бошқарув томонидан коллегиял равишда, Акциядорлар умумий йиғилиши ва (ёки) Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар бундан мустасно);
 - (5) Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритишни ташкил этиш;
 - (6) Жамият ходимларининг ваколатларини тақсимлаш;
 - (7) Жамият таркибий бўлинмалари орасидаги ўзаро муносабатларини таъминлаш;
 - (8) Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарувнинг қарорларини бажарилишини ташкил этиш;
 - (9) ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан ишончномада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи яқка тартибда ишончномалар тақдим этиш;

- (10) Бошқарув аъзолари, муҳим раҳбарлари ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига иш берувчи ҳуқуқини тақсимлаш тўғрисида буйруқлар қабул қилиш;
 - (11) тасдиқланган бизнес-режа, инвестиция дастури ва ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлаш;
 - (12) техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;
 - (13) ускуналардан фойдаланишнинг хавфсиз режими ва стандартларига мувофиқлигини таъминлаш;
 - (14) Бошқарув билан келишилган ҳолда Жамият ходимларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини ўрнатиш бўйича ички локал ҳужжатларни (низом, тартиб) ва Жамият таркибий бўлинмаларининг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш;
 - (15) Жамиятнинг штатлар жадвали ва лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш ҳамда Жамият ходимларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш (Бошқарув аъзолари, Ички аудит хизмати, Комплаенс хизмати, Корпоратив котибият ходимлари бундан мустасно);
 - (16) Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Жамият муҳим раҳбарларини тайинлаш;
 - (17) Бошқарув билан келишилган ҳолда Жамият филиал ва ваколатхоналарининг раҳбарларини тайинлаш;
 - (18) Бошқарув билан келишилган ҳолда Жамият муҳим раҳбарлари ҳамда Жамият филиал ва ваколатхоналарининг раҳбарларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
 - (19) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ва бекор қилиш, уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш;
 - (20) Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ёки Бошқарувнинг ваколатларига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 15.11. Бошқарув мажлиси зарур ҳолларда, бироқ ҳар ойда камида 1 (бир) марта ўтказилиши лозим.
- 15.12. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарув бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.
- 15.13. Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум Бошқарув аъзоларининг камида 65% (олтмиш беш фоизи)дан кам бўлмаслиги лозим. Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Бошқарув раиси – Бош директор овози ҳал қилувчи ҳисобланади.
- 15.14. **Бошқарув ваколатларига қуйидагилар киради ва коллегиял тартибда ҳал этилиши шарт:**
- (1) Жамият фаолиятининг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига киритиш;
 - (2) Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Кузатув кенгаши орқали Акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;
 - (3) Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботи, йиллик бизнес-режа, йиллик баланслар, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботларни, Жамиятни

- ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа зарур ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашига тақдим этиш;
- (4) Жамиятнинг бизнес-режаси параметрларини бажарилиши юзасидан чораклик ҳисоботларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига тақдим этиш;
 - (5) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим (шартнома) тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 1% (бир фоиз)дан 15% (ўн беш фоиз)гача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш юзасидан қарор қабул қилиш;
 - (6) Жамият томонидан қарорни қабул қилиш санасида Жамият соф активлари қийматининг 5% (беш фоиз) гача ташкил этувчи молиялаштиришни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган битимлар (шартномалар) тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (7) Кузатув кенгаши томонидан белгиланган лимит доирасида Жамият томонидан ҳайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш юзасидан Қонунчиликда кўзда тутилган шартларни инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш;
 - (8) Жамият ходимларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини ўрнатиш бўйича ички локал ҳужжатларни (низом, тартиб) ва Жамият таркибий бўлинмаларининг ташкилий тузилмаларини келишиш;
 - (9) Жамият филиал ва ваколатхоналари раҳбарлари лавозимларига номзодларни тайинлашни келишиш;
 - (10) Жамият муҳим раҳбарлари ҳамда Жамият филиал ва ваколатхоналарининг раҳбарларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини келишиш;
 - (11) Бошқарув кўмиталарини ташкил этиш, мазкур кўмиталар фаолияти ва ишлаш тартиби, уларнинг таркиби, вазифа ва ваколатлар доирасини белгилаш тўғрисида низомларни тасдиқлаш;
 - (12) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг фаолиятлари натижаларини кўриб чиқиш;
 - (13) Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича масалалар юзасидан Жамият фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар фаолияти натижаларини кўриб чиқиш;
 - (14) Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларининг акциядорлар умумий йиғилишларида кўриб чиқиш учун тақдим этилган қайта ташкил этиш, йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш, устав фонди (капитали)ни кўпайтириш масалалари юзасидан Жамиятнинг фикри (таклифи, ёндашуви) тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (15) ижтимоий дастурларни тасдиқлаш;
 - (16) Жамият томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида таклифларни Кузатув кенгашига киритиш;
 - (17) Жамиятга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкларни Жамиятнинг баланс ҳисобидан чиқариш бўйича қарор қабул қилиш;
 - (18) Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Жамият фаолияти юзасидан амалга оширилган хизмат сафари ҳаражатларини қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - (19) Қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

- 15.15. Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарув аъзоларига уларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига асосан рағбатлантириш тўловлари белгиланиши мумкин.
- 15.16. Бошқарувнинг ишлаш тартиби “Бошқарув тўғрисида”ги низом билан белгиланади.
- 15.17. Бошқарувнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Қонунчилик, Устав, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Бошқарув тўғрисида” ги низом билан белгиланади.
- 15.18. Бошқарув томонидан ўз ваколати доирасидаги масалаларни дастлабки тарзда ўрганиб чиқиш ва ушбу масалалар юзасидан Бошқарувга тавсиялар тайёрлаш ҳамда фаолиятини тартибга солувчи низомларда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш учун Бошқарув ҳузурида қўмиталар ва/ёки ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.
- 15.19. Бошқарув ҳузуридаги қўмита ва ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш мақсадида зарур бўлган касбий малака, билим, тажриба ва қўникмаларга эга бўлган Жамият мутахассислари ёки ташқи экспертлар жалб этилиши мумкин.
- 15.20. Бошқарув ҳузуридаги қўмита ва ишчи гуруҳларни шакллантириш ва фаолият юритиш тартиби, уларнинг таркиби, вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари, шунингдек, Бошқарув ва Жамиятнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари Бошқарув томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

16. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 16.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши тутиши лозим.
- 16.2. Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари Қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
- 16.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмади бундан Қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

17. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ

- 17.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.
- 17.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Жамиятга Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.
- 17.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.
- 17.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига Бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.
- 17.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар қиради:
 - (1) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- (2) миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;
 - (3) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;
 - (4) Қонунчилик ва Уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.
- 17.6. Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида $\frac{3}{4}$ (тўртдан уч) қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.
- 17.7. Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларининг сони 5 (беш) нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим.
- 17.8. Миноритар акциядорларнинг кўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.
- 17.9. Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

18. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА ТАШҚИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

- 18.1. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан Қонунчиликка, Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда ақс эттирилиши таъминланишни, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.
- 18.2. Ички аудит хизмати Аудит кўмитасига ва Кузатов кенгашига бўйсунди ва ҳисобот беради. Ички аудит хизматининг вазифалари ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолияти тартиби Кузатов кенгаши томонидан тасдиқланган “Ички аудит хизмати тўғрисида” ги низом билан белгиланади.
- 18.3. Ички аудит хизмати бошлиғи ва унинг ходимлари Аудит кўмитаси тақдимномасига асосан Кузатов кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.
- 18.4. Ички аудит хизмати Кузатов кенгаши томонидан белгиланган тартибда Кузатов кенгашига Жамият фаолияти тўғрисида объектив маълумотларни, шунингдек зарур тушунтириш ва изоҳларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этади.
- 18.5. Жамият ва Ички аудит хизмати ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат қонунчилиги, Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.
- 18.6. Жамиятнинг молиявий, ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларининг ҳар йиллик ташқи аудитини амалга оширувчи, халқаро, мустақил, етакчи аудиторлик ташкилоти Жамият томонидан Устав ва Қонунчилик билан белгиланган тартибда жалб этилиши лозим. Ташқи аудиторлик ташкилотининг вазифаси Жамият молиявий ҳисоботи ҳаққонийлигини, Жамият томонидан Қонунчиликка риоя этилишни тасдиқлашдир. Жамият ходимлари бундай аудитни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатларни ташқи аудиторлик ташкилотига тақдим қилишлари шарт.

19. КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИ

- 19.1. Комплаенс хизмати Жамият фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиладиган, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда чек қўйиш, қонун бузилиши ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган мустақил таркибий тузилма ҳисобланади.
- 19.2. Комплаенс хизмати Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасига ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир. Комплаенс хизматининг вазифалари ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолияти тартиби Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Комплаенс хизмати тўғрисида” ги низом билан белгиланади.
- 19.3. Комплаенс хизмати бошлиғи Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тақдимномасига асосан Кузатув кенгаши томонидан Қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.
- 19.4. Комплаенс хизмати ходимлари Комплаенс хизмати раҳбарининг тақдимномасига асосан Бошқарув раиси – Бош директор томонидан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимдан озод этилади.
- 19.5. Жамият ва Комплаенс хизмати ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат қонунчилиги, Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

20. КОРПОРАТИВ КОТИБИЯТ

- 20.1. Жамиятда корпоратив қонунчилиги талаблари, корпоратив бошқаруви тамойиллари, Устав меъёрлари ва корпоратив бошқаруви масалаларига оид Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ва назоратини амалга ошириш мақсадида мақсадида Корпоратив котибият жорий этилади.
- 20.2. Корпоратив котибиятни тузиш, унинг ходимларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Корпоратив котибиятга Котибият мудир - Корпоратив маслаҳатчи томонидан раҳбарлик қилинади.
- 20.3. Корпоратив котибият ходимлари Кузатув кенгаши аъзоси бўлмаган Жамият ходимлари ҳисобланади. Корпоратив котибият ходимлари ўз фаолиятларида Жамиятнинг ижроия органидан тўлиқ мустақилдир.
- 20.4. Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда Жамиятдаги корпоратив бошқаруви жорий ҳолатини ҳолисона баҳолашни таъминлаш мақсадида Корпоратив котибият фаолиятига аралашиб, тўсқинлик қилиш ёки унга нисбатан бошқа тарзда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.
- 20.5. Корпоратив котибият ходимлари Жамиятнинг бошқарув органлари ўртасида самарали маълумот алмашинувида ёрдам беради ҳамда Жамиятда корпоратив бошқаруви билан боғлиқ барча масалалар юзасидан Кузатув кенгаши ва Бошқарув маслаҳатчиси вазифасини бажаради ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлисларида котиб вазифасини амалга оширади.
- 20.6. Корпоратив котибият Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказилишини назорат қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлислари учун материаллар (ахборотлар)ни шакллантириш ва улардан фойдаланишни таъминлайди.
- 20.7. Корпоратив котибият қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда Жамият фаолиятига доир ахборот ва муҳим фактларни ошкор этишни ташкил этади.
- 20.8. Корпоратив котибиятнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- (1) Корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётларини Жамиятда татбиқ этишни ташкиллаштириш;
 - (2) Жамиятда корпоратив конунчилиги ва корпоратив бошқаруви тамойилларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
 - (3) Корпоратив конунчилиги, Устав меъёрлари ва корпоратив бошқаруви тамойилларига зид равишда Жамиятда қабул қилинган буйруқлар, қарорлар ва (ёки) ички ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан Бошқарув ва Кузатув кенгашига тақдимнома киритиш;
 - (4) Жамиятда корпоратив конунчилиги ва корпоратив бошқарув тамойилларини бузиш ҳолатларини олдини олиш ҳамда бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш юзасидан Бошқарувга ёзма равишда кўрсатмалар бериш;
 - (5) Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиладиган масалалар ва материаллар (ахборотлар)ни кўриб чиқиш, келишиш (виза) ҳамда, зарурият бўлганда, ўз хулосасини бериш;
 - (6) Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритилган масалалар бўйича қўшимча маълумотлар талаб этиш юзасидан Кузатув кенгаши номидан ёзма равишда Бошқарувга мурожаат этиш;
 - (7) Кузатув кенгаши мажлис кун тартибига киритилган масалалар бўйича баённомалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш учун Кузатув кенгаши аъзоларига тақдим этиш;
 - (8) Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари ва Кузатув кенгаши баённомалари сақланишини ташкил этиш, уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш ва реестрини юритиш;
 - (9) Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари ва Кузатув кенгаши баённомаларининг нусхалари асл нусхасига тўғри эканлигини тасдиқлаш ҳамда ушбу ҳужжатларнинг кўчирмаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш;
 - (10) Жамиятда корпоратив бошқаруви ҳолати юзасидан ҳисоботни юритиш ҳамда ҳар йил якуни бўйича корпоратив бошқарувини баҳолашни ташкил этиш;
 - (11) Жамиятда корпоратив бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Кузатув кенгашига киритиш.
- 20.9. Корпоратив котибиятнинг вазифалари ва функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолияти тартиби Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Корпоратив котибият тўғрисида”ги низом билан белгиланади.

21. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА БОШҚА ҲИСОБОТЛАР

- 21.1. Жамият Қонунчилик билан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши ҳамда йиллик молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиши шарт.
- 21.2. Жамиятнинг молиявий йили 1 январдан 31 декабргача бўлган тақвимий йил ҳисобланади. Бошқарув молиявий йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботини тайёрланишини таъминлаши лозим. Бундай ҳисобот молиявий йил тугаганидан кейин 4 (тўрт) ойдан кечиктирмай тайёрланиши ва дастлабки тарзда тасдиқланиши учун Кузатув кенгашига тақдим қилиниши шарт.
- 21.3. Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган ташқи

аудиторлик ташкилоти томонидан тасдикланиши лозим.

- 21.4. Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 30 (ўттиз) кун олдин Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдикланиши лозим.
- 21.5. Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдикланади.
- 21.6. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 2 (икки) ҳафта олдин эълон қилади (чоп этади).
- 21.7. Бошқарув, Ички аудит хизмати, Комплаенс хизмати ва Корпоратив котибият ўз фаолиятлари юзасидан ҳисоботларни ҳар чоракда Кузатув кенгашига тақдим этишлари лозим. Бундай ҳисоботлар тегишли чорак (ҳисобот даври) тугаганидан кейин 45 (қирк беш) кундан кечиктирмай тайёрланиши ва Кузатув кенгашига тақдим қилиниши шарт.

22. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АХБОРОТ ВА МУҲИМ ФАКТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИ

- 22.1. Жамият Қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот ва муҳим фактларни ошкор қилиши лозим.
- 22.2. Жамият ўз фаолияти юзасидан Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида, Корпоратив ахборот ягона порталида ва Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг веб-порталларида ахборот, маълумот ва муҳим фактларни жойлаштириш орқали ошкор қилади.
- 22.3. Акциядор ёки бошқа манфаатдор шахснинг талабига биноан, Жамият Қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этишга мажбурдир. Ҳужжатларнинг нусхалари Қонунчиликда белгиланган муддатда тақдим этилади, агар муддат белгиланмаса, бундай талаб олинган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.
- 22.4. Жамият Қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳужжатларни сақлашга мажбурдир.

23. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 23.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш Қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 23.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Уставга киритилган барча ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олиниши лозим.
- 23.3. Уставга киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар ёки янги таҳрирдаги Жамиятнинг Устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги Қонунчилик билан белгиланган ҳолларда эса, давлат рўйхатидан ўтказувчи органга хабар берилган пайтдан бошлаб кучга киради.
- 23.4. Агар Қонунчиликда ушбу Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда Қонунчилик қоидалари қўлланилади.
- 23.5. Устав билан тартибга солинмаган муносабат ва (ёки) масалалар Қонунчилик билан тартибга солинади.
- 23.6. Мазкур Уставнинг бирор-бир банди ёки қоидаси қонуний кучини йўқотса ёки қонунчилик талабига зид бўлиб қолса, бу ҳолат Уставнинг бошқа қоидаларига таъсир этмайди.